

**Давлат статистика қўмитасининг ахборот-ҳисоблаш  
tizimini rivojlandirish va statistik ma'lumotlarni  
yig'ish, qayta ishlash va saqlashning yagona tizimini  
yaratish**

**КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Тошкент 2019**

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси  
«\_\_» февраль 2019 йил,  
№\_\_ -сонли қарорига  
ИЛОВА

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Кириш.....  | 4  |
| 1. Таъриф, белги ва қисқартмалар.....   | 5  |
| 2. Статистика фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари .....                                      | 6  |
| 3. Давлат статистика қўмитасидаги ахборот-ҳисоблаш тизими<br>таракқиётининг жорий ҳолати..... | 9  |
| 4. Давлат статистика органларининг ахборот-ҳисоблаш инфратузилмасини<br>такомиллаштириш.....  | 13 |
| 4.1. Такомиллаштириш мақсадлари.....  | 13 |
| 4.2. Ахборот-ҳисоблаш инфратузилмасини такомиллаштиришнинг асосий<br>тамойлари.....           | 13 |
| 4.3. Маълумотларни қайта ишлаш маркази (МҚИМ) .....   | 15 |
| 5. Ягона маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимини яратиш.....                             | 17 |
| 5.1. Маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг мақсадлари ва<br>вазифалари .....      | 17 |
| 5.2. Статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш технологияси.....                          | 18 |
| 5.3. Қайта ишлаш ва сақлаш тизимларини такомиллаштиришни асослаш .                            | 19 |
| 5.4. Қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг тузилмавий схемаси .....                             | 20 |
| 6. Статистик ахборотни тарқатиш тизимининг принципиал тузилмаси.....                          | 22 |
| 6.1. Йиғма кўрсаткичларнинг ягона тизими.....   | 22 |
| 6.2. Ягона метамаълумотлар базаси.....  | 23 |

## Кириш

“Давлат статистика кўмитасининг ахборот-ҳисоблаш тизимини ривожлантириш ва статистик маълумотларни қайта ишлаш ва сақлашнинг ягона тизимини яратиш концепцияси” (кейинги ўринларда “Концепция”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон Фармони асосида ишлаб чиқилган.

Давлат статистикаси жамиятнинг ахборот тизимининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт ва бизнеснинг шиддат билан ривожланиши ва амалга оширилаётган ижтимоий ўзгартиришлар шароитида статистика ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисалар ривожининг қонуниятларини, шунингдек муайян жой ва вақт шароитида улар орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш ва ўлчашга имкон беради.

Статистик ахборот жамоатчилик томонидан кенг ва фаол қўлланилиши учун, у объектив ва универсал бўлиши, тушунарли шаклда ифодаланган бўлиши ва аҳамият, муҳимлик ва янгиликка эга бўлиши лозим. Агар аввал давлат статистикаси, биринчи навбатда, статистик маълумотларга қизиққан ва уларни яхши тушунадиган экспертларнинг кичик гуруҳларини ана шу маълумотлар билан таъминлашга қаратилган бўлса, замонавий босқичда статистик ахборотнинг истеъмолчилари доираси сезиларли даражада кенгайди – бу тадбиркорлар, илмий тадқиқотчилар ва талабалар, ОАВ вакиллари, шунингдек оддий фуқаролардир.

Тўғри бошқарув қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган статистик ахборот миқдори шунга олиб келадикки, ҳужжатлар билан ишлашнинг анъанавий усуллари самарали бўлмай қолади. Замонавий статистик ахборотни қайта ишлаш ва узатиш технологияларини қўллаш ҳам иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграция бўлиши учун унинг рақобатбардошлигини ошириш, ҳам ҳокимиятнинг барча поғоналарида давлат бошқаруви жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ушбу Концепциянинг мақсади бўлиб, Давлат статистика кўмитасининг ахборот-ҳисоблаш тизимини ривожлантириш ва статистик маълумотларни қайта ишлаш ва сақлашнинг ягона тизимини яратиш ҳисобланади.

## 1. Таъриф, белги ва қисқартмалар

**ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)** – персонал, оммавий ва ишлаб чиқариш коммуникацияларида ахборотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракаталар ва қоидалар мажмуаси, шунингдек айтиб ўтилган жараёнларни интеграл жиҳатдан таъминлаб берадиган барча технологиялар ва соҳалар.

**Давлат статистика қўмитасининг Ягона ахборот тизими (ЯАТ)** – давлат статистика органларининг статистик ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва қўлланилишини таъминлайдиган ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, дастурий-аппаратли таъминот ва телекоммуникацион воситалари мажмуаси ;

**Маълумотлар базаси (МБ)** – амалий дастурларга боғлиқ бўлмаган ҳолда маълумотларни тавсифлаш, сақлаш ва улар билан манипуляция қилишнинг умумий тамойилларини кўзда тутадиган, муайян қоидаларга асосан ташкил этилган маълумотлар мажмуаси;

**метамаълумотлар** – маълумотларни идентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган ва маълумотларнинг белгиланиши ва тузилмасини очиқ берадиган маълумотлар тўғрисидаги ахборот;

**динамик қаторлар** – хронологик тартибда жойлаштирилган ва ўрганилаётган ҳодисанинг ривожланишини, унинг тенденциялари ва қонуниятларини характерлайдиган бир номли кўрсаткичлар кетма-кетлиги. Уларда абсолют, нисбий маълумотлар ва ўртача катталиклар, оний (муайян саналарга тўғри келадиган) ва интервалли (муайян вақт оралиғидаги) катталиклар бўлиши мумкин;

**статистик кўрсаткичлар** – муайян ўлчамда объект, ҳодиса ёки жараённинг мазмуни ва миқдорий қийматларини характерлайдиган маълумотлар;

**статистик ахборотни тақдим этиш** – манфаатдор фойдаланувчиларнинг йиғма статистик маълумотларга ва сўров бўйича таҳлилий ахборотга эга бўлишини таъминлаш;

**статистик ахборотни тарқатиш** – йиғма статистик маълумотларни ва таҳлилий ахборотни махсус нашрларда, оммавий ахборот воситаларида нашр этиш, Интернет тармоғида ва бошқа ахборот-коммуникация тармоқларида, Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтида жойлаштириш;

**экспресс-ахборот** – статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашдан кейин бевосита тайёрланадиган алоҳида масала бўйича

тайёрланган тезкор статистик ахборот. Экспресс–ахборотда кўрсатилган статистик маълумотлар кейинги нашрларда аниқлаштирилиши мумкин;

**Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР)** – вақти-вақти билан янгиланиб турадиган ахборотли-маълумотли характердаги маълумотларни ўз ичига олган ва ягона таснифлаш тизими асосида корхона ва ташкилотларнинг давлат ҳисобида туришини ва идентификациясини таъминлайдиган тизим;

**OLAP (OnLine Analytical Processing)** – кўп ўлчамли тамойил бўйича тузилмалаштирилган агрегация қилинган массивлар асосидаги маълумотларни қайта ишлаш технологияси;

**МББТ (Маълумотлар базасини бошқариш тизими)** – маълумотлар базасини яратиш ва қўллашни бошқаришни таъминлайдиган умумий ёки махсус мўлжалланишдаги дастурий ва лингвистик воситалар мажмуаси;

**ААТ (автоматлаштирилган ахборот тизими)** – фойдаланувчиларнинг сўрови бўйича ахборотни йиғиш, сақлаш, қидириш ва тақдим этиш учун мўлжалланган дастурий ва техник воситалар ҳамда ахборот массивлари мажмуаси.

## **2. Статистика фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари**

Давлат статистика кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2002 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3183-сонли Фармонида биноан ташкил этилган.

Давлат статистикаси тизимини тубдан такомиллаштириш, амалиётга хорижий статистикада кенг қўлланиладиган, синовдан ўтган статистик таҳлилнинг замонавий усуллари, халқаро стандартларга жавоб берадиган кўрсаткичлар, баҳолаш мезонлари ва шакллари тадбиқ этиш, маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва тузилмавий ўзгаришларнинг бориши тўғрисидаги статистик ахборотнинг ҳаққонийлиги, очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек халқаро статистик ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлида “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3165 сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор давлат статистика органлари фаолиятининг қуйидаги устувор йўналишларини белгилаб берди:

- макроиқтисодий, соҳавий ва ҳудудий поғоналарда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамраб олинишини кенгайтиришга

қаратилган статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий услубиётлари ва методологияларини кенг тадбиқ этиш орқали статистик кузатувларнинг умумқабул қилинган халқаро амалиётга бундан кейинги мослашуви;

- маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотнинг максимал даражадаги шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш, халқаро статистик ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан халқаро статистик тўпламларда республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид материаллар ва кўрсаткичларни нашр этиш;

- миллий иқтисодиёт соҳалари ва ҳудудларнинг ривожланишини, иқтисодиётнинг ислоҳ қилиниши ва либераллашувини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва технологик қайта жиҳозлаш, хом-ашё ресурсларини қайта ишлаш, республика ҳудудларининг комплекс ривожланиши, аҳоли турмуш тарзидаги сифат ўзгаришлари бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини энг тўлиқ ҳолда характерлайдиган статистик ахборотни тезкор ва сифатли қилиб тайёрлаш;

- хўжалик субъектларига ҳаққоний давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама ёрдам бериш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича амал қиладиган механизмларини ишлаб чиқиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усуллари тадбиқ этиш;

- статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг тадбиқ этиш, статистик маълумотлар билан ишлаш жараёнларини автоматлаштириш даражасини чуқурлаштириш, статистик маълумотларнинг ягона банкини шакллантириш;

- статистик нашрларга кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усуллари тадбиқ этишни таъминлаган ҳолда статистика органларининг таҳлилий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва бунда тарқатиладиган статистик маълумотларни таҳлилий ва маълумотли материаллар билан шартли равишда кузатиб бориш, маърузалар, матбуот нашрлари ва мақолаларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш мақсадида нашр қилиш;

- давлат ва идоравий статистик кузатишлар тизимини оптималлаштириш орқали Давлат статистика қўмитасининг объектив, сифатли ва талаб қилинадиган ҳисоботли маълумотларни тайёрлаш, танланма статистик кузатувлар натижаларининг миқдорини ва

ҳаққонийлигини босқичма-босқич оширишдаги мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш;

- мамлакатнинг илмий ва таълим муассасалари ҳамда хорижий статистик ташкилотлар билан ҳамкорликда статистика соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича олиб бориладиган ишларни тизимли асосда ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва Давлат статистика қўмитасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сонли қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ статистика органлари қуйидаги вазифаларни амалга оширадilar:

- давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни юритиш, статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

- давлат статистикаси соҳасида функционал тартибга солиш ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

- халқаро стандартларга мос келадиган ягона статистик методологияни ва давлат статистика кузатувларининг шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва тадбиқ этиш;

- ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва нашр этиш;

- давлат органлари, юридик шахсларни, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда статистик ахборот билан таъминлаш;

- корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш, статистик ишларни ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик таснифлар тизимини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва юритиш;

- давлат статистика тизимининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, фойдаланувчиларнинг республика тараққиётини ва иқтисодиёт соҳаларининг ривожланишидаги, шунингдек аҳоли турмуш тарзидаги сифат ўзгаришларини энг тўлиқ шаклда характерлайдиган кўрсаткичлар рўйхатига эркин ҳолда йўлланишини таъминлаш;

- давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг ва унинг тузилмавий бўлинмаларининг ишлаш шакллари ва усулларини бундан кейинги тараққий эттириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилишини таъминлаш, ходимларнинг уларга юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариши учун масъулиятини ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида» ги қонуни билан, шунингдек, давлат статистика кузатувларининг амалга



оширилиши, расмий статистик маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш ҳар йили Вазирларо Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари Дастурига (бундан кейин - Дастур) мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Дастур томонидан мамлакатнинг ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, иқтисодиёт соҳаларидаги ва секторларидаги ислоҳотларнинг бориши ва тузилмавий ўзгаришларни, кичик тадбиркорлик ва фермерликнинг ривожланишини, аҳоли турмуш тарзининг ва турмуш сифатининг ўзгаришини характерлайдиган ўзаро боғланган статистик маълумотларни тақдим этиш муддатлари ва манзилли вазифалар белгиланади, шунингдек муҳим мақсадли мажмуавий дастурларнинг ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилишининг боришини ахборот-статистик кузатуви таъминланади.

Шунингдек Дастур томонидан давлат статистикаси органлари, алоҳида вазирликлар ва идоралар томонидан қайд этиш, назорат қилиш ва бошқа маъмурий функцияларни ижро этишнинг сабабли, уларнинг ваколатига киритилган масалалар бўйича бажариладиган статистик ишларнинг таркиби белгиланган.

Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик кузатувларни ташкил этиш ва уларни амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро алоқа қилиш масалаларини тартибга соладиган ички қоидалар ва йўриқномалар қабул қилинган.


### **3. Давлат статистика қўмитасидаги ахборот-ҳисоблаш тизими тараққиётининг жорий ҳолати**

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 ноябрдаги “Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакаси даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-999-сонли қарори доирасида статистика органлари замонавий компьютер техникаси (628 та компьютер, 30 та сервер), алоқа, периферия ускуналари (31 та нусха кўчириш аппаратлари, 627 та принтер), дастурий таъминот билан жиҳозланди. Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида АКТнинг ривожлантирилиши бўйича ишларни амалга оширадиган Дастурий техник-таъминот ва маълумотларни сақлаш марказлари яратилди.

Натижада, статистик ахборотнинг тўпланиши, қайта ишланиши, сақланиши ва фойдаланилишини таъминлайдиган давлат статистика органларининг ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, дастурий-техник

таъминоти ва телекоммуникация воситалари мажмуасини ифода этадиган Ягона Давлат статистика қўмитаси ахборот тизими шакллантирилди.

Шунга карамай, бугунги кунда статистика фаолиятида фойдаланилаётган 2744 та компьютердан 1608 таси маънан эскирган, 143 та яроқсиз ва 1751 таси компьютерга эҳтиёж борлиги, тизим ташкилотлари иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда (1-2-расмлар).




**1-расм. Давлат статистика қўмитаси органларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиш ҳолати**

Давлат статистика органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тизимда 140 дан ортиқ функционал масалаларни ечадиган автоматлаштирилган ахборот тизимлари, электрон кўринишда статистик ҳисоботларни тўплашнинг автоматлаштирилган eStat 3.0 ахборот тизими, маълумотлар базаларини бошқаришнинг автоматлаштирилган КТЯДР «Reg-System» ахборот тизими, асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни маълумотлар базалари томонидан бошқарилишини амалга оширадиган махсус дастурлар Комплекси, «Гендерная статистика Узбекистана» ахборот таҳлил тизими ва бошқалар мужассамланган.

Интернет тармоғида Давлат статистика қўмитасининг расмий [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти, ҳудудий статистика бошқармаларининг ва Кадрларни

қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари Марказининг [www.bilim.stat.uz](http://www.bilim.stat.uz) сайтлари фаолият кўрсатади.



## 2-расм. Давлат статистика қўмитаси ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёж

Давлат статистика қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий статистика бошқармалари ва барча туман (шаҳар) статистика бўлимлари ягона корпоратив тармоққа уланган. Давлат статистика қўмитаси тизими ичида маълумотларни узатиш тезлиги 30 Мб/с гача оширилган. Шахсий компьютерлар билан таъминланганлик 100 фоизни ташкил этади – тизимда 2627 та шахсий компьютер (сотиб олинган вақти – 2005 – 2018 йиллар) ва 28 та сервер ишлатилади.

Шу билан бирга, статистик ахборотни қайта ишлаш ва тарқатишнинг мавжуд бўлган технологияси маънавий жиҳатдан эскирган.

Электрон кўринишда статистик маълумотларни тўплаш eStat 3.0 автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида амалга оширилади. Статистика органларига келиб тушган барча бирламчи маълумотлар MS SQL маълумотлар базалари файлларида тўпланади.

Электрон кўриниш шаклида келиб тушган ҳисоботлар махсус мижоз дастури ёрдамида Microsoft Access маълумотлар базалари файлларига

экспорт қилинади ва у ерда бундан кейинги қайта ишловдан ўтади (манتيкий-арифметик назорат ва маълумотларни умумлаштириш).

Ҳозирги вақтда статистик ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш учта босқичда амалга оширилади:

1 босқич – туман (шаҳар) миқёсида маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;

2 босқич – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;

3 босқич – республика миқёсида маълумотларни умумлаштириш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.

Шундай қилиб, Microsoft Access дастурида статистик маълумотлар базаси шаклланади.

Давлат статистика органларида бирламчи статистик ахборотни қабул қилиб олиш, қайта ишлаш функциялари бир нечта мутахассисга юклатилганини ҳисобга олиб, муайян статистик ахборотга эга бўлган N-та файллар шаклланади. Ушбу файллар охир оқибатда муайян ҳудудга тегишли бўлган муайян даврдаги муайян ҳисоботнинг базасини намоён этади.

Қайта ишланган статистик маълумотлар асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг маълумотлари базаларини бошқариш бўйича махсус дастурлар мажмуасида тўпланади. Шу билан бирга, маълумотларни киритиш кўлда амалга оширилади. Ушбу омил ахборотни ўз вақтида киритилишига ва унинг тўлиқ бўлишига салбий таъсир кўрсатади.

Электрон маълумотлар базасида статистик ахборотни сақлаш статистикларнинг ўзи томонидан турли ахборот ташувчиларида – шахсий компьютерларнинг қаттиқ дисклари, серверлардаги умумий фойдаланишдаги папкалар ва ҳоказоларда амалга оширилади.

Шунингдек айтиб ўтиш жоизки, шахсий компьютерларнинг асосий қисми жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб кетган. Узлуксиз қувват бериш манбалари (UPS) ва қувватни тақсимлаш блоклари (PDU) каби сервер ускуналарининг асосий механик ва электр қисмларининг ейилиш ҳолатлари мавжуд.

Бундан ташқари, статистик ахборотдагилигининг доимий ошиб бориши, веб-технологияларнинг ривожланиши маълумотларни узатиш каналларининг ўтказиш қобилиятига қўйиладиган талабларни оширади. Ушбу йўналишда оптик-толали алоқага ўтган ҳолда, Давлат статистика қўмитасининг корпоратив тармоғини такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш зарур бўлади.

#### **4. Давлат статистика органларининг ахборот-ҳисоблаш инфратузилмасини такомиллаштириш**

Хорижий таҳлилчиларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, қайта ишланаётган маълумотларнинг доимий ошиб бориши ва бизнеснинг узлуксизлиги учун маълумотларга эгалик қилиш имкониятининг ўсиб бориши сўнгги йилларда маълумотларни сақлаш вазифасини диққат марказига қўйди. Ушбу ҳолатда ягона ечим бўлиб бажарилаётган вазифаларга тўла мос келадиган маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этишга мажмуавий ёндашув хизмат қилади.

Ушбу бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида давлат статистика органларининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини замонавий сервер ва коммуникация ускуналари билан қайта жиҳозлашдаги комплекс ёндашувни шакллантиради.

##### **4.1. Такومиллаштириш мақсадлари**

**Ахборот-ҳисоблаш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

- бизнес-жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва АКТ-хизматларнинг очиқлигини ошириш;
- ишончлилиқни ошириш;
- унумдорлиқни ошириш;
- хизмат кўрсатишга кетадиган умумий ҳаражатларни камайтириш;
- ахборот хавфсизлиги даражасини ошириш;
- статистик ахборотларнинг ягона омбори билан таъминлаш;
- маълумотларнинг яхлитлигини таъминлаш.

##### **4.2. Ахборот-ҳисоблаш тизими инфратузилмасини такомиллаштириш-нинг асосий тамойиллари**

Ахборот-ҳисоблаш инфратузилмасини такомиллаштириш шундай кенг кўламли лойиҳани ифода этадики, унинг асосида ахборотлаштиришни бошқариш тизимларининг узоқ муддатли тараққиётини белгилаб берадиган ташкилий-технологик пойдевор қурилади.

Такомиллаштириш лойиҳасининг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Локал ечимлардан интеграциялашган жараёнли-йўналтирилган амалий ечимларга ўтиш;

2. Ахборот, ҳисоблаш ва ташкилий ресурсларни ягона тизим остида бирлаштириш, уларни давлат статистика органларининг фаолиятини автоматлаштириш ва ахборотлаштиришнинг муҳим йўналишларида қўллаш;

3. Ишбилармонлик жараёнларини ахборот таъминоти функцияларини амалга оширадиган расмий бўлмаган (маълумотли) тизимлардан ана шу тизимда сақланадиган ва қайта ишланадиган маълумотларни қўллаш имкониятини таъминлайдиган электрон ҳисобга олиш тизимларига ўтиш. Бу маълумотлар Давлат статистика қўмитасининг ички бошқариш жараёнларини ташкил этишда юридик жиҳатдан аҳамиятли бўлади ва унинг ташқи контрагентлар (фуқаролар, хусусий, давлат ва жамоат ташкилотлари) билан ўзаро алоқасини таъминлайди.

Ягона ахборот таъминоти муҳити ва тизимлараро ўзаро алоқа қилишнинг стандартлари асосида замонавий жараёнли-йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда ишлаб чиқиладиган интеграллашган амалий ечимлар томонга автоматлаштириш вектори йўналтирилишини англатади. Фойдаланувчиларни таъминлашнинг дастурий маҳсулотлари, ишлаб чиқиш воситаларини, асосий дастурий компонентларни танлашга ёндашувни белгилаб беради. Техник ва ташкилий ресурсларни ягона тизим остига бирлаштириш тамойили ташкилий инфратузилмани такомиллаштириш бўйича ечимлар негизида ётади. Давлат статистика органлари фаолиятига тадбиқ этилаётган ахборот тизимларининг принципал ўзгаришлари билан боғлиқдир.

Тизимли инфратузилмани такомиллаштириш жараёни қуйидагиларни кўзда тутди:

1. Ишчи ўринларида қўлланиладиган эскириб қолган ҳисоблаш техникасининг аста-секин ўзгартирилиши;

2. Ҳисоблаш ресурслари ва маълумотлар омборларини масштаблаштириш салоҳиятига эътибор берган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш марказини янгилаш;

3. Амалий ва асосий дастурий-технологик инфратузилмани такомиллаштириш, маълумотларни қайта ишлаш маркази техник параметрларини аста-секин кенгайтириш.

Асосий дастурий-технологик инфратузилмани такомиллаштириш қуйидагиларни кўзда тутди:

1. Ишчи ўринларини қайта жиҳозлаган сари фойдаланувчиларнинг ишчи муҳитини алмаштириш;

2. Амалий тизимларнинг интеграцияси учун тизимлараро ўзаро алоқа қилиш стандартларини ишлаб чиқиш;

3. Мавжуд бўлган локал тизимлар ва маълумотлар базаларининг интеграция бўлиши платформаси сифатида ахборот порталлари тизимини тадбиқ этиш;

Амалий дастурий-технологик инфратузилмани такомиллаштириш тактикаси мавжуд бўлган амалий тизимларни бир вақтнинг ўзида ишбилармонлик жараёнларининг қамровини кенгайтирган ва шу билан бир вақтда ана шу тизимларни интеграция қилган ҳолда фаолият кўрсатишнинг янги технологияларига кўчиришдан иборатдир.

### **4.3. Маълумотларни қайта ишлаш маркази (МҚИМ)**

Маълумотларни қайта ишлаш марказлари - барча маълумотлар, сервислар ва иловалар марказлашган ҳолда кафолатланган ишончлилик, очиклилик ва маълумотлар хавфсизлиги даражасига эга бўлган ягона, яхлит ахборот ресурсида сақланиши ва ижро этилишини кўзда тутди.

МҚИМ иловалар сервислари маълумотларининг хавфсиз марказлашган ҳолда қайта ишланиши, сақланиши ва тақдим этилиши учун мўлжалланган ҳисоблаш инфратузилмасини (ўзаро боғланган дастурий ва қурилмавий компонентлар, ташкилий ишлар) ифода этади.

МҚИМ нинг асосий вазифалари:

- маълумотлардан самарали фойдаланган ҳолда сақлаш ва қайта ишлаш;
- фойдаланувчиларга амалий хизматларни тақдим этиш;
- амалий тизимларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш.


Давлат статистика қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш марказини автоматлаштирилган ахборот тизимлари билан қайта жиҳозлаш ахборот ҳисоблаш тизимлари ва маълумотларнинг тартибли бўлиши ҳамда самарали қўлланилишини таъминлайди(3-расм). МҚИМ ўзгараётган ва юзага келаётган маъмурий жараёнлар томонидан келтириб чиқариладиган жорий ва истиқболли вазифаларнинг ечилишини таъминлайди.

Ягона МҚИМ базаси доирасида маълумотларнинг марказлашуви маълумотларнинг хавфсизлиги, ишончлиги ва яхлитлигини таъминлаш борасидаги вазифаларнинг ечилишини сезиларли даражада осонлаштиради.

Замонавий МҚИМларнинг характерли хусусияти бўлиб ресурсларни бошқаришнинг юқори даражаси ва бунинг оқибатида ана шу ресурсларни максимал тўлиқлиги ва уларни қўллашнинг назорати хизмат қилади.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази юқори унумдор ахборот инфратузилмасини яратиш ва маълумотларнинг кафолатланган ишончлилик,

очикчилилик ва хавфсизлик даржасига эга бўлган ягона, яхлит ахборот ресурсини таъминлаш учун мўлжалланган мажмуавий ташкилий-техник ечим ҳисобланади.



### 3-расм. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдамида МҚИМни такомиллаштириш

МҚИМни яратишда қуйидаги имкониятларни ташкил этишга эътибор бериш керак:

- турли ахборот-коммуникация ресурслар (серверлар, маълумотлар ва ҳоказо)нинг тизимли интеграцияси;
- битта нуқтадан туриб барча ресурсларни бошқариш;



- маълумотларнинг фаоллашувини ва ишончлилигини, ахборот хавфсизлигининг зарур даражасини таъминлаш;
- бошқариш жараёнларини ягона тизимини яратиш;
- бирлаштирилган маълумотлар омборини қуриш;
- турли платформаларни ишлатиш.

## **5. Ягона маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимини яратиш.**

Давлат статистикасининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва нашр қилиш ҳисобланади.

Давлат статистика органлари томонидан ушбу вазифаларнинг бажарилиши статистик ишлаб чиқаришнинг негизини ташкил этади. Маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш бўйича статистик ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш статистик ахборотни қайта ишлаш муддатини қисқартиришга ва сифатини оширишга имкон беради ва ечиладиган вазифалар доирасини кенгайтиради. Кўрсатилган вазифаларни автоматлаштириш даражасига уларнинг бажарилиши самарадорлиги боғлиқ бўлади.

### **5.1. Маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг мақсадлари ва вазифалари**

**Маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг мақсадлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:**

- статистик ахборотнинг тезкорлиги, самарадорлиги, қайта ишланиш ва тақдим этиш сифатини ошириш;
- статистик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини оптималлаштириш ва тезлатиш;
- ҳисоботларни тайёрлаш ва қайта ишлаш учун тезкор методик кўрсатмалар бериш;
- статистик маълумотларни ягона сақлаш тизими билан таъминлаш;
- маълумотлар яхлитлигини таъминлаш.

**Маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг вазифалари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:**

- статистик ҳисоботлар кўрсаткичларини қайта ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини автоматлаштириш;

- статистик кўрсаткичларни назорат қилишни автоматлаштириш;
- таҳлилий ҳисоботларни шакллантириш.


## 5.2. Статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш технологияси

Статистик маълумотларни тўплаш масъулиятли жараён ҳисобланади, чунки дастлабки ахборотдаги (бирламчи статистик маълумотлар) кичик хато қайта ишланган маълумотларда сезиларли хатоларга олиб келиши мумкин.

Бирламчи маълумотлар Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳисобот берувчи объектлар томонидан электрон кўринишда тақдим этилади(4-расм).

Электрон кўринишдаги статистик маълумотларни тўплаш eStat 3.0 тизими ёрдамида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар eStat 3.0 дастури ёрдамида Интернет тармоғи орқали, электрон рақамли имзо билан имзоланган, тегишли равишда шакллантирилган статистик ҳисоботларни жўнатишади ва қабул қилинган ҳисоботлар Давлат статистика қўмитаси серверларида сақланади.



4-расм. Давлат статистика ҳисоботларини тўплаш схемаси

Электрон кўринишда статистика органларига келиб тушган барча бирламчи маълумотлар махсус мижоз дастури ёрдамида Microsoft Access

пакетига кўчирилади ва у ерда қайта ишланади (мантикий-арифметик назорат амалга оширилади ва маълумотларни умумлаштирилади).

### **5.3. Қайта ишлаш ва сақлаш тизимларини такомиллаштиришни асослаш**

Давлат статистика қўмитасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган компьютер техникаси, маълумотларни узатиш каналларининг паст даражадаги функционал имкониятлари статистика ишлари самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш имкониятини чекламоқда. Шу сабабли, статистик кўрсаткичларни шакллантириш, таҳлилий жадвалларни тайёрлашда фойдаланиладиган электрон база дастурлари Microsoft Access дастурий тўпламидан фойдаланилмоқда. Электрон маълумотлар базалари йилдан-йилга йиғилиб, ҳажми катталашгани сари, мавжуд дастурлар билан ишлаш тобора қийинчилик туғдирмоқда.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш ва сақлашнинг мавжуд бўлган технологияларининг камчиликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- статистик маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлашда қўл меҳнатининг иштироки;
- статистик маълумотларни сақлашнинг тўлақонли автоматлаштирилган ахборот тизимини йўқлиги уларни сақлаш жараёнларини такрорланишига олиб келмоқда;
- ахборот-ҳисоблаш тизимларида сақланадиган статистик маълумотларнинг ўчиб кетиш хавфининг юқорилиги;
- ахборот-ҳисоблаш тизимларида сақланадиган статистик маълумотларнинг четга чиқиб кетиш хавфининг юқорилиги;
- ахборот-ҳисоблаш тизимларини ҳимоя қилишга кўп вақт ва катта маблағ сарфланиши, шунингдек қўшимча воситалар жалб қилиш.

Қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг такомиллаштирилиши қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:

- Давлат статистика қўмитасининг марказий аппарати ва унинг ҳудудий органлари ходимлари статистик маълумотларни биргаликда қайта ишлаш учун шароит яратилади;
- маълумотлар базалари тузилмаси унификация қилинади;
- тузилмавий бўлинмалар орасидаги маълумотлар алмашуви вақти камаяди;
- статистик маълумотларнинг, шу жумладан бирламчи статистик маълумотларнинг яхлитлиги, очиқлиги ва хавфсизлиги таъминланади;

- бирламчи ва қайта ишланган статистик маълумотларнинг марказлаштирилган ҳолда автоматлаштирилган захиравий нусхалаш амалга оширилади;
- иккита омилли аутентификацияли кўп фойдаланувчи асосида статистик маълумотларни бошқариш;
- маълумотларни ҳимоялаш ҳисобига Давлат статистика қўмитаси Ягона ахборот тизимининг ахборот хавфсизлиги даражасини оширишга эришилади;
- қоғоздан фойдаланиш камайтиради;
- бирламчи ахборотнинг такрорий сақланишининг олди олинади;
- қайта ишланган статистик ахборотни қўллашдаги қулайликлар ошади;

#### **5.4. Қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг тузилмавий схемаси**

Режалаштириладиган қайта ишлаш ва сақлаш тизимларининг тузилмавий схемаси иккита тамойилга жавоб бериши лозим:

а) маълумотларни юқори даражадаги сақлаш жараёни, чунки Давлат статистика қўмитасининг маълумотлар маркази хўжалик юритувчи субъектлардан келиб тушадиган статистик ахборотнинг тўпланиши, қайта ишланиши ва сақланишини амалга оширади;


б) тузилмавий схема эксплуатацияга киритилганидан кейин камида уч йилдан сўнг уни такомиллаштириш мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг оптимал бўлишини таъминлаш.

Тўплаш тизими тезкор қаттиқ дисклар ва SSD(контроллер ва микросхемалардан ташкил топган қаттиқ диск) ташувчиларига эга бўлган юқори унумдор сервердан иборат бўлиши лозим. Шунингдек, худди асосий серверга ўхшаган конфигурацияли қўшимча сервер ҳам мавжуд бўлиши лозим.

Тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимининг тузилмавий схемаси 5-расмда келтирилган.

Тўплаш тизимининг вазифалари:

- электрон ҳисобот шаклидаги статистик маълумотларни мантиқий назоратини амалга ошириш;
- бирламчи статистик маълумотларни сақлаш тизимига узатиш;
- Давлат статистика қўмитасининг тузилмавий бўлинмасига мансуб бўлишига қараб, статистик маълумотларни тақсимлаш ва уларни статистик маълумотларни қайта ишлаш тизимига узатиш.



**5-расм. Тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимининг тузилмавий схемаси**

Қайта ишлаш тизими қуйидаги қуйи тизимлардан иборат бўлиши керак:

- қайта ишлаш қуйи тизими;
- мурожат қилиш қуйи тизими .

Узлуксиз фаолият кўрсатишни таъминлаш мақсадида, статистик маълумотларни қайта ишлаш қуйи тизими юқори очикликга эга бўлган кластер кўринишида, мурожат қилиш қуйи тизими эса - юкланишни тақсимлаш кластери сифатида ташкил этилган бўлиши лозим.

Кластерга қўйиладиган энг юқори юкланиш кластер ишлов бериши мумкин бўлган максимал юкланишдан 70% га ошиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

Кластер учта сервердан иборат бўлиши керак. Битта сервер ишдан чикса бошқа икки ишлаётган сервер кластерга тўғри келадиган юкланишни қайта ишлай оладиган бўлиши керак.

Қайта ишлаш қуйи тизимининг вазифалари:

- кенгайтирилган мантиқий назорат;
- статистик маълумотларни умумлаштириш;

- аввалги давр билан солиштириш;
- йиғма жадваллар яратиш.

Мурожат қилиш қуйи тизимининг вазифалари:

- қўмита рвсмий веб-сайтнинг фаолият кўрсатишини ва статистик маълумотларни қайта ишлаш тизим остиси билан ўзаро алоқа қилишини таъминлаш;
- масъул ижрочиларнинг иккита омилли аутентификацияси воситаларини қўллаган ҳолда Web-интерфейс орқали қўмитанинг расмий веб-сайтига ҳимояланган киришни ташкил этиш;
- иккита омилли аутентификация воситаларини сошлаш;
- масъул ижрочиларнинг ҳаракатларини баённомалаштириш ва маълумот алмашишни назорат қилиш.

Сақлаш тизими захиравий нусхалаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Сақлаш тизими вазифалари:

- бирламчи статистик маълумотларни сақлаш;
- бирламчи статистик маълумотларни захиравий нусхалаш.

## **6. Статистик ахборотни тарқатиш тизимининг принципал тузилмаси**

Статистик кўрсаткичларни тарқатиш тизими қуйидаги компонентлардан таркиб топган бўлиши лозим:

- йиғма кўрсаткичларнинг ягона тизими;
- ягона метамаълумотлар тизими;
- маълумотлар базаларини бошқариш модули;
- «Давлат бошқаруви» корпоратив ахборот тизими Web-портали;
- ахборотни таҳлилий қайта ишлаш ва визуаллаштиришнинг дастурий воситалари.

### **6.1. Йиғма кўрсаткичларнинг ягона тизими**

Йиғма кўрсаткичларнинг ягона тизими OLAP-кубни, яъни универсал реляцион ММБТлар асосида ташкил этилган кўп ўлчамли маълумотлар массивини ифода этади.

Бутун ахборот йиғма статистик кўрсаткичларнинг маълумотлар базасида йиғилади ва сақланади. Барча кўрсаткичлар миллий ҳисоблар тизими ва иқтисодиёт соҳаларининг асосий кўрсаткичларига: инвестициялар, нархлар ва тарифлар, хизматлар, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, меҳнат

ресурслари, молия, ташқи иқтисодий фаолият, аҳолининг даромадлари ва турмуш тарзи, демографик кўрсаткичлар, табиий ресурслар ва ҳоказоларга мувофиқ равишда тузилмалаштирилган бўлиши лозим.

Тизимдаги барча кўрсаткичлар динамик қаторлар кўринишида тақдим этилади. Улар вақтли даврлар кесимида таҳлилий жадвалларни тузиш, статистик баҳолашларни ва ҳисоб-китобларни охиригача етказишни амалга ошириш, шунингдек нашр этишларни, шу жумладан электрон кўринишдаги нашрларни амалга оширишда қўлланилади.

Динамик қаторларда натурал ва қийматли кўринишдаги иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги ривожланиш омиллари ва натижаларини характерлайдиган сонли қийматларни, шунингдек уларнинг таҳлилий баҳоларини ўз ичига олади (улушлар, расмлар ва ҳоказо). Динамик қаторларнинг бир-бирига мос қўйилиши мумкинлиги кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб қилиш методологиясининг ягоналиги билан таъминланади (интерваллар, ҳолатлар, ўлчов birlikлари, қамраб олинadиган объектлар доираси, ҳудудий чегаралар).

Динамик қаторлар ҳар йиллик Давлат статистика ишлари дастурларига мувофиқ амалга ошириладиган статистик ишлаб чиқилмаларни ўз ичига олади.

## **6.2. Ягона метамаълумотлар тизими**

Катта ўлчамдаги статистик маълумотлар давлат статистик ташкилотларида асосий ўрин тутadi. Бундай тизимлар статистик маълумотларни бошқаришда иштирок этадиган инсонлар, жараёнлар ва технологияларни қамраб олади.

Катта ўлчамли статистик маълумотлар «улар тавсифлайдиган маълумотларни тўғри олиш ва фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотлар» сифатида тушунилади.

Катта ўлчамдаги сифатли, статистик маълумотлар характеристикаларининг тўлиқ тавсифини ўз ичига олиши лозим: тушунчалар, тавсифлар, таснифлаш, тўплаш ва қайта ишлаш усуллари ва ҳоказо. Уларда шунингдек, маълумотлар сифатиинг тавсифи бўлиши лозим. Масалан, хатоларнинг турли манбаларини тушунтириб бериш. Катта ўлчамдаги маълумотларнинг бир қисми техник характерга, бошқа қисми эса, матнли тавсифлаш характерига эга бўлади.

Катта ўлчамдаги маълумотлар иккита асосий функцияни бажаради. Биринчиси, статистик ахборот тизимидаги объектлар ва жараёнлар ўртасидаги алоқаларнинг уникал ва формал тавсифидан иборатдир.

Иккинчиси, барча тегишли техник параметрларнинг тавсифланишидан иборатдир.

Катта ўлчамдаги маълумотлар базасини қўллаш қуйидагиларга имкон беради:

- фойдаланувчилар статистик маълумотларни тўғри ва осон топа билиши ва қўллаши;
- интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини янги сифат поғонасига кўтариш;
- турли вақтда ва турли хил статистик кузатишлардан олинган статистик маълумотларни қўллайдиган ахборот ресурсларини интеграция қилиш вақтидаги асоссиз харажатларни бартараф этиш;
- Давлат статистика қўмитаси бўлинмалари ўртасида зарур бўлган маълумотларни тезкор электрон алмашувини назорат қиладиган тизимни яратиш;
- статистик кўрсаткичлар вақтли қаторларининг турли электрон манзили бўйича такрорланишини бартараф этиш ва параллел сақланишини таъминлаш.

Шундай қилиб, Давлат статистика қўмитасида статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ягона тизимини яратишда замонавий серверлар ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш, улардан керакли маълумотларни сўров орқали исталган кўринишда чиқариб олиш, маълумотларнинг заҳира нусхаларини олиш, катта ҳажмдаги маълумотларни сиқиш, қулай интерфейсда база устидан назорат ўрнатиш, маълумотлар асосида ҳисоботлар ҳосил қилиш ва булардан бошқа маълумотлар устида жуда катта кўламдаги ишларни амалга оширадиган маълумотлар базаларининг(MS SQL/Oracle) тадбиқ этилиши давлат статистика ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлайди.



## ХУЛОСА

Таклиф қилинаётган концепцияда Ўзбекистон Республикасининг статистика соҳасидаги давлат органларида ахборот-ҳисоблаш тизимини ривожлантириш ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ягона тизимини яратишда иқтисодий, техник, технологик ва ижтимоий йўналтирилганлиги масалалари кўриб чиқилди. Муваффақиятли амалга оширилиши натижасида эришилиши кутилаётган иқтисодий самара Давлат статистика қўмитасининг барча соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш самарадорлигини оширишдан иборат. Ушбу концепцияни амалга тадбиқ этиш самарадорлигини бўлиб, статистик маълумотларининг сифатини ошириш ҳисобланади.

Албатта, иқтисодий самарадорлик давлат статистика органларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва АКТдан самарали фойдаланишда намоён бўлади. Асосий техник ва технологик самара бўлиб статистик маълумотдан фойдаланиш ҳажмини ва тезлигини ошириш ҳамда давлат статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш ҳисобланади.

Давлат статистика қўмитаси ходимларининг иш самарадорлигини ошириш бу шубҳасиз бўш вақтни кўпайтиришга олиб келади, бу ўз навбатида ўз малакасини оширишга йўналтирилади. Давлат статистика органлари фаолиятини ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қамровли жорий этиш бошқарув харажатларини камайтиришга шубҳа йўқ.

Ушбу концепцияни амалга оширилиши Давлат статистика қўмитасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, тадбиркорларнинг, бизнес-тузилмаларини ва ҳокимиятларни ўзаро таъсир ва ривожланишнинг ягона самарали механизмига бирлаштирадиган ягона ахборот муҳитини яратишига имкон беради.